

ШАНБА СОНИ



<u> ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>


МДХ ДАВЛАТ РАХБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

1 декабр куни Узбекистон Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Хамдустлиги (МДХ) Давлат рахбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларус пойтахти — Минскка жунаб кетди.

Саммитда МДХга аъзо мамлакатларнинг деярли барчасидан президентлар иштирок этиши кутилмокда. Мажлисда МДХ доирасида интеграциялашув жараёнини янада жадаллаштириш билан боглиқ кўплаб масалалар мухокама қилиниши кўзда тутилмокда. Хусусан, эркин савдо зонаси барпо қилиш борасида имзоланган хужжат ижросини таъминлаш, Хамдўстлик доирасида ягона аксилтеррор маркази тузиш, жиноий йўллар билан қўлга киритилган маблагларнинг қонунийлаштирилишига қарши курашиш билан боғлиқ масалалар саммит кун тартибидан ўрин олган.

Узбекистон рахбари саммитда асосий эътиборни МДХ мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларға қаратмоқчи. Жумладан, Ўзбекистон Хамдўстлик доирасида эркин савдо зонасини барпо этиш борасида тезроқ амалий ишларга ўтиш тарафдори.

Саммит доирасида президентларнинг яккама-якка учрашувлари хам режалаштирилган.



МДХ Давлат рахбарлари кенгашининг мажлисидан олдин Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин ва сўнгра Беларус Президенти Александр Лукашенко билан алохида-алохида мулоқотда бўлди. Учрашувларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, МДХ доирасида хамкорликни, айникса, иктисодий хамкорликни кучайтириш масалалари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг МДХ делегацияларининг аввал тор доирада,

кейин кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда Минск саммити кун тартибидан жой олган барча масалалар атрофлича мухокама қилинди. Мамлакатимиз рахбари мухокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашуви ва қарашларини баён қилди.

Учрашувларда МДХ доирасида аксилтеррор маркази тузиш, гайриқонуний йўллар билан топилган пулларни қонунийлаштиришга қарши курашиш, Хамдустлик доирасида қабул қилинган, лекин ишламаётган хужжатларни бекор этиш масалалари кўрилди.

Алишер Навоий асарларини яхши тушуниш учун уни бир марта ёки икки марта ўқиб қўя қолиш етарли эмас. Бунинг учун улуг



AJ. ON an a.P.



Nº 242-243 (2539-2540)

Бахтим комуси

Конституциям — бахтим комуси, Таклир сахифамда зархал номамсан. Сен эрким, ғурурим, юзим ёғдуси, Оламга юз очган жахонномамсан.

Хар бир теран сатринг буюк халкимнинг Толмас вужудида айланар кони, Сенга хаёт берган аждодларимнинг Евкур курашларда тобланган жони.

Сен билан бакамти бахт топар ишон, Хур ўлкам багрида хар битта инсон. Азалдан адолат мезони булган Конун юрти, демак, асли Туркистон.

Ха<u>кку хукук</u>имга зувала бўлган Сен зир<u>х</u>ли белбандим, пишик-пухтамсан. Кукла Оллохимдир хифзига олган, Сен заминда менинг таянч нуктамсан.

> Дўстмухаммад ДЎСТ, Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей ўкитувчиси.



MOT CIMMY

Миллат шаъни фидойилари

4-бет

Хўш, хали хам баъзи бир дорихоналар пештахталарига қуйилган сохта дориларни аниқлаш ва сотувдан олиб ташлаш кимнинг вазифаси? Ким бунинг учун 14-,15-бетлар жон куйдириши лозим?



Европа бозорига йўл янада кенгайди

«Манфаатларимиз миштарак идлди»

Италия ишбилармонлари Ўзбекистон Президенти билан бўлиб ўтган учрашув хусусида

Ўзбекистон Республикасининг Римдаги элчихонасига Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Италия заминида мазкур мамлакат ишбилармон доиралари билан бўлиб ўтган учрашувига доир фикр-мулохазалар битилган мактублар келиши давом этмокда. Улар ўз мактубларида ушбу учрашувдан олган таассуротлари билан ўртоклашиб, «Президент ўз олдига аниқ мақсадлар қуйгани ва уларга қандай эришишни биладиган прагматик йўлбошчи эканлигини намойиш қилгани»ни ало-

хида таъкидлашмокда. Жумладан, «Фининтерэкспо» компанияси рахбари Луиджи Ремиджио шундай дейди: «Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг чикиши нафақат менда, балки учрашувнинг барча иштирокчиларида чукур таассурот қолдирганини алохида таъкидлашни истардим. Бу эса бошқа давлат рахбарлари чиқиш-ларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Президентининг нутки сиёсий баёнотлардан холи, аксинча, аниқ-равшан характер касб этга-

ни билан изохланади». «СИМЕСТ» Италия хорижий сармояларга кўмаклашиш бўйича давлат компанияси бошқаруви директори Франко Дельнери ўзи рахбарлик килаётган компания Узбекистон билан хамкорлик килишга чогланган италиялик ишбилармонларни хамма томондан, шунингдек, молиявий жихатдан хам қўллаб-қувватлашға тайёр эканини таъкидлайди.

Италия тижорат банкининг Римдаги бўлими директори Томаззо Стаяно хам мамлакатимиз Президентининг чикиши ўзида унутилмас таассурот қолдирганини изхор этар экан, уни «лўнда ва тушунарли чикиш» деб бахо-лади. «Мен Италия-Узбекистон хамкорлиги ривожининг истикболларини аниқ кўраяпман, — деб ёзади у ўз мактубида. — Ва банкимиз номидан ўзаро манфаат келтирадиган лойихаларда иштирок этишга тайёр эканимизни тасдикламоқчиман».

«Бизнинг компаниямиз бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда фаолият курсатаяпти, — дейди «РЕНКО СпА» компанияси бошқарувининг директори Джанкарло Гальярди, - ва биз республика рахбарияти олиб бораётган сиёсатдан яхши хабардормиз. Хатто биз хам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мазкур чиқишидан таъсирландик».

Буларнинг барчаси кўпгина италиялик ишбилармонлар мамлакатимиз билан хамкорлик қилишга, Ўзбекистонга асосли режалар билан, узоқ муддатга келишга жиддий манфаатдорлигидан яккол далолатдир.

«Жахон» АА.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш буйича республика мувофиклаштирувчи Кенгашининг мажлиси булиб утди. Уни Узбекистон Республикаси Бош вазири уринбосари, Кенгаш ра-

иси Р.Азимов бошкарди.
Мажлисда асосий масала сифатида Кенгашнинг хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни рагбатлантириш ва ривожлантиришдаги ролини янада ошириш чора-тадбирлари мухокама қилин-ди. Бу масала илгари Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Назорат бўйича мувофиклаштирувчи кенгаш мажлисида кўриб

чикилган эди.
Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 февралдаги йигилишида берган кўрсатмаларини бажариш борасида амалга оширилган тадбирлар тадбиркорлик фаолиятининг янада фаоллашувига кумаклашгани қайд этилли. Йил бошидан буён мамлакатда минглаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари тузилди, уларнинг ялпи ички махсулотдаги улуши ошди, янги ишчи ўринлари яратилди. Тижорат банкларининг ўз маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, шунингдек, хорижий кредит линиялари хисобидан ажратган кредитлари хажми купайди.

Шу билан бирга, мажлисда таъкидланганидек, хусусий талбиркорлик тобора кенгайиб бораёттан булса-да, сифат нуқтаи назаридан суст ривожланмокда. Кичик ва ўрта бизнес сохасида истеъмол товарларини ишлаб чикариш сурьатлари паст, кичик ва ўрта корхоналарнинг саноат сохаларидаги улуши салмокли эмас, айрим банкларнинг кредит портфелида ишлаб чикариш максалларига ажратилган ресурслар кам, экспорт товарлари руйхати купаймаётир, кичик ва урта бизнес субъектларининг моддий-техника ресурсларидан фойдаланишини таъминловчи ишончли тизим яратилмаган. Тадбиркорлар хукукдарининг бюрократик аппарат томонидан бузилиши давом эт-мокда. Бунинг устига, Товар ишлаб чикарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Дехкон ва фермер хужаликлари уюшмаси ишбилармонлар манфаатларини химоя килиш буйича ўз зиммаларига юкланган вазифаларни тўлик бажармаяпти.

Кенгашда мухокама қилинган масалалар юзасидан ҳар бир ишчи гуруҳи учун аниқ вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, кичик ва ўрта тадбиркорлик тўгрисидаги, тадбиркорларнинг хукук ва манфаатларини химоя қилиш хақидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ишчи гурухига тадбиркорларни нафақат асоссиз текширувлардан, балки бошқа тартиббузарликлардан ҳам ҳимоя қилиш бўйича хукукий мухофаза дастури лойихасини ишлаб чикиш топширилди. Негаки, бундай камчиликлар бошкарув органлари хўжалик тузилмалари билан муносабатларнинг барча погоналарида

хамон учраб турибди.

Хомашё ва материаллар, тадбиркорларнинг махсулотлари бозорини шакллантириш бўйича ишчи гурухи тадбиркорларнинг фикрмулохазаларини хисобга олган холда, кичик ва ўрта бизнес субъект-ларига зарур моддий-техник ресурслардан эркин фойдаланиш имко-нини берувчи тизимни яратадиган хукумат қарори лойихасини иш-

лаб чикиши лозим. Кичик ва ўрта бизнесни ахборот билан таъминлаш ва кадрлар тайёрлаш бўйича ишчи гурухига Товар ишлаб чикарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ёрдамида республикадаги кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чикараётган махсулотдар ва товарларни саралаб олиш камда доимий фаолият юритувчи "Узкургазмасавдо" ярмарка савдоси марказида намойиш этиш топширилди. Гурух аъзолари 2001-2002 йилларда кичик ва ўрта бизнес учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини ишлаб чикади, шунингдек, ушбу дастурни молиялаш учун хомийларнинг грантлари ва маблагларини жалб этиш буйича таклифлар тайёрлайди.

Мажлисда кичик ва ўрта бизнес ривожини таъминлаши лозим бўлган тузилмалар рахбарларининг йил якунлари бўйича хисоботларини эшитиш белгилаб олинди.
Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў.Исмоилов иштирок этди.

Ешларни гоявий тарбиялаш

Тошкентда булиб утган Узбекистон Республикаси Олий укув юртлари ректорлари республика кенгашининг йигилиши ёшлар онгида миллий истиклол гоясини шакллантириш масаласига багишланди. Йигилишни олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Гуломов бош-

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Дав-лат маслахатчиси Т.Рискиев мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иктилат масладатчиси т. гискиев мамлакатимизда ижтимони-сиесии ва икти-содий ислохотларнинг асосий манбаи миллий истиклол гояси эканли-гини таъкидлади. Шу сабабли, бугунги кунда халкаро экстремизм ва террорчилик мустакиллигимизга тажовуз килаёттан бир пайтда ёшлар амалга оширилаёттан барча туб ўзгаришларнинг мохияти ва вазифала-рини, куйилган максадларнинг мухимлигини англашлари лозим. Мил-лий истиклол гояси ёшларимиз ва унинг илгор вакиллари — талабалар хаётида дастуриламал бўлмоги керак. Бунга эришиш учун олий ўкув юртларининг профессор ва ўкитувчилари талабалар билан иш-лашни янада фаоллаштириши, ўз билим ва кучларини ёшларни гоявий жихатдан тарбиялашга қаратиши лозим. Ингилишда қутарилган масалалар Президент Ислом Каримовнинг

сарлари ва маърузаларида ёритиб берилган миллий истиклол асосий тушунчалари ва тамойилларига асослангани таъкидлан-Иккинчи семестрдан бошлаб республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус билим юртларида жорий килинадиган янги ўкув курслари айнан шу асосларга таянади. Ушбу курсни олиб борадиган мамла-катимиз таълим тизимидаги барча ходимлар янги йилгача махсус

семинарларда тайёргарликдан ўтишади.

Йигилиш иштирокчилари олий ўкув юртлари талабалари ва прорессор-ўкитувчилари якинда ректорлар республика кенгаши, Олий ва урта махсус таълим вазирлиги билан хамкорликда тасдиклаган "Вата-ним мустакиллигига кушган хиссам" номли мурожаатни катта кизиқиш билан мухокама этишди. Шунингдек, улар талабалар ва таълим тизими ходимларининг вазирлик ташаббусига құра ташкил этилган ғоялар жамғармасида тұпланған фаолиятини ривожлантириш туғрисидаги таклифларини амалга ошириш йўллари хакида хам сўз юрит-

Йигилишда республика ректорлар кенгашининг янги раиси этиб, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, академик Н.Ибро-

химов сайланли.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

Олий Мажлис IV сессияси олдидан

Маълумки, Олий Мажлисдаги барча кумита ва комиссиялар иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов нутқидан келиб чиққан холда, ўзларининг 2000-2002 йилларга мулжалланган иш режаларини ишлаб чиққан эди.

Кўмитамиз фаолиятининг биринчи устувор йўналиши қонун ижодкорлиги бўлса, кейингиси назорат-тахлил фаолиятидир, — дейди биз билан сухбатда Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси Машкура Сафаева. -Айни пайтда сессия мухокамасига киритилаётган барча қонун лойиҳалари юзасидан таклиф ва мулохазаларимизни бердик.

Қонун ижроси билан кучли, дейишади. Утган қисқа вақт давомида қўмита талай ишларни амалга оширишга улгурди. Жумладан, Ёшлар ишлари қумитаси хамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси билан биргаликда «Фуқаролар соғлиғини сақ-

лаш тўгрисида»ги Қонуннинг жойларда бажарилиши ўрганилди. Депутатлар хамда мутахас-сислардан иборат ишчи гурухи Сирдарё ва Навоий вилоятларида бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими, санитария ва эпидемиология хизмати фаолиятини тах-лил қилдилар. Аниқланган камчиликлар вилоятларнинг ўзида мутахассислар иштирокида му-

хокама қилиниб, чора-тадбирлар

белгиланди. Шунингдек, ушбу

Конци ижроси билан кцчли

масала вилоятлар рахбарлари иштирокида Олий Мажлис қумиталарининг қушма йиғилишида атрофлича мухокама килиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Бундан ташқари, қумита томонидан тузилган депутатлар ва мутахассислардан иборат ишчи гурухи «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ) олдини олиш тўгрисида»ги Қонуннинг Тошкент шахрида амалиётга татбиқ этилиши масаласини ўрганди.

 Қонун ижроси юзасидан
 Тошкент шаҳар ОИТС маркази ва Тошкент шахар хокимлиги томонидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги бизни кувонтирди, — дейди М. Сафаева. — Бирок текширув жараёнида қонун талаблари тўлиқ бажарилишига тўскинлик килаётган баъзи камчилик ва муаммолар ҳам аниқланди. Тизимда фаолият кўрсатаётган мутахассислар масъулиятни тўла хис қилишаяпти, деб бўлмайди. Шахар теританосил касалликлари диспансери, шахар наркология диспансери ва стационарининг иш фаолиятини ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдик. Айрим даволаш-профилактика муассасаларида ОИВ/ОИТС касаллиги профилактикасига, унинг парентал йўл билан тарқалмаслигига етарлича эътибор берилмаяпти. Масалан, шаҳардаги 3-туғуруқхона текширилганда, махсус қулқоплар, бир марта ишлатиладиган системалар, спирт ва шу каби зарурий тиббий ашёлар камлиги аникланди. Бу каби камчи-

ликлар 6-тугуруқхона, 17-шаҳар касалхонаси, 22-поликлиника, 2-болалар тиш даволаш поликлиникасида хам кузатилди. Тери-таносил диспансерини дори-дармон билан таъминлаш 10 фоизни ташкил қилади, холос. Яқинда қумитада депутатлар, соха мутахассислари ва мутасад-ди идоралар вакиллари иштирокида ушбу масала атрофлича му-

хокама қилинди, тегишли чора-

тадбирлар белгиланиб, қарор

қабул қилинди. Дилбар ТУРГУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Муборак зиерат тадориги

Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган йигилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қумита, идора ва ташкилотлар рахбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шахри ва вилоятлар хокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йигилишни Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов бошқарди.

Таъкидланганидек, хар йили мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фукароларнинг муборак зиёратга бориши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмокда, ҳажга боришни ният

қилган барча мўмин-мусулмонларга амалий ёрдам кўрсатилмоқ-

Бу борада республика хукуматининг "Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш хакида"ги карори катта ахамиятга эга. Мазкур хужжатда Ўзбекистон фукароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий хукукларини таъминлаш, муборак хаж амалларини адо этишда кулайлик, имтиёз ва зарур шароитни яратишга давлат томонилан ёрлам кўрсатиш максадида муайян чоратадбирлар белгиланган. Жумладан, хаж сафарини ташкил қилишда мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш, зиёратчиларнинг бориб-келишлари учун қулай шароит яра-

тиш, Арабистоннинг иклим шароитини хисобга олган холда, зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, хажга кетаётган хар бир фукаро учун бир ярим минг АКШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб бериш кўзда тутилган.

Сўзга чиққанлар хукуматимиз яратиб бераётган бундай имтиёзлардан унумли фойдаланиш, ҳаж мавсумини ующқоқлик билан ўтказиш, бўлгуси хожиларнинг аризасини ўз вактида адолатли кўриб чиқиш ва зарур хужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш лозимлигини қайд этди.

Шу билан бирга, йигилишда Тошкент шахрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларини ўтказишга доир масала хам кўриб чиқилди. Хукумат қарорига кўра, дўст-қардош икки халқни бир-бирига янада якинлаштирувчи бу тадбир пойтахтимизда 15-18 декабр кунлари бўлиб ўтади.

Йигилишда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчилари А.Мелибоев, 3. Хусниддинов иштирок этди.

(¥3A)

Андижонликлар тажрибаси ўрганилди

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Т.Холтоев раислигида плёнка остида пахта тиштиришнинг илгор тажрибасини ўрганиш бўйича

республика семинари бўлиб ўтди.

Маълумки, Президент Ислом Каримов шу йилнинг октябр ойида Оқсарой қароргохида пахтачилик муаммоларига бағишланган йиғилишда андижонликларнинг пахтачилик сохасидаги илгор тажрибаларини чукур ўрганишга даъват этган эди. Семинар сифатли уруглик тайёрлаш, эртапишар, серхосил пахта навларини плёнка остида етиштиришга асосланган андижонча усул билан батафсил танишиш максалида ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари Андижон механика заводида бўлищди. Мазкур заводда 1995 йилда илк бор плёнка остига чигит экувчи сеялканинг биринчи намунаси тайёрланган эди. Шунингдек, улар Андижон технологияси талабларига жавоб бералиган полиэтилен плёнкасини ишлаб чикаришга ихтисослаштирилган Узбекистон-Америка қушма корхонасига ҳам ташриф буюришди. Табиийки, семинарда Андижон технологияси асосида ишлайдиган илгор хужаликлар тажрибасини ўрганишта хам катта эътибор қаратилди.

(ЎзА мухбири)

Текин газет қаерда бор?

Дархакикат, бозор иктисодиёти шароитида хам текинга газета ўкиш мумкинми? Газетхонларимиз биринчи бетнинг тепасидаги «8 сахифаси белул» деган ёзувни ўкиб, ажабланишлари эхтимолдан холи эмас.

Гап шундаки, ўтган йили 2000 йил учун обуна расмийлаштирилган пайтда «Халқ сўзи»нинг хар бир сонига бир хил хак олинган. Тахририятнинг қарорига кўра эса, 28 октябрдан буён шанба сонларимиз 16 сахифалик килиб чикариляпти. Аввало, газетхоннинг маънавий эхтиёжини қондириш, халқимизга кўп ва сермазмун ахборот етказишга интилиш ниятида шундай килинди. Лекин шанба сонига икки баравар куп когоз, босмахона харажатлари сарфланаётган бўлса-да, тахририят газетанинг чакана ва обуна бахосини ўзгартирмади. Демак, шанба сонининг 8 сахифасини бепул ўкиш мумкин.

Азиз муштарий!

Агар сиз «Халқ сўзи»га обуна бўлиш оркали бизни қуллаб-кувватласангиз, 2001 йилда хам шундай тухфаларга эга бўласиз.

Эътироф

Қуваликларни Мадридда, қіқонликларни Парижда ОУКИМУЯМУИ

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири

> Мебель махсулотлари маданий ҳаётимизни белгиловчи омиллардан бирига айланиб бораяпти. Шу боис замонавий, кулай, экологик тоза мебель махсулотларига эхтиёж ҳам кундан-кунга ортмокда. Буни чукур хис этган «Қувамебель» хиссадор-лик жамияти жамоаси рес-публикамиз бозорини забт этибгина қолмай, балки секин-аста Хамдўстлик мамлакатлари, хатто Европа бозорига хам кириб бораяпти. Испаниянинг Мадрид шахрида, Бутунжахон сифат конфедерациясининг йиллик симпозиумида мазкур корхонада ишлаб чиқарилган махсулотлар «Халкаро сифат юлдузи» нишонига сазовор бўлгани бунинг исботидир. Бу нуфузли ташкилотнинг юксак мукофоти учун дунёдаги 100 дан зиёд корхона, ташкилот, фирмаларнинг мебель махсулотлари тавсия қилинган эди. Голиблик эса фақат қувалик мебелсозларга насиб этди. Нафис капалак канотларини эслатувчи олтин нишонни эса жахондаги йирик компаниялар, трестлар, фирмалар рахбарларининг олқишлари остида хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Мусажон Исмоилов қабул килиб олди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мазкур корхонада тайёрланаёттан махсулотларни Европанинг энг нуфузли кўргазмалари, ярмаркаларида учратиш мумкин. Гап шундаки, куваликлар ер юзидаги 48 та турдош корхона билан махсулот айирбошлаш юзасидан хамкорлик қилмоқдалар. Россия, Қозоғистон, Киргизистон Республикаларидан эса мунтазам равишда

буюртмалар келиб турибди. Қуқон ўрмон хужалиги жамоаси эса Парижда, Люмбер саройининг мухташам залида Бутунжахон саноатни ривожлантириш ассоциациясининг «Олтин медал»ига муносиб деб топилди. Ушбу ассоциация Низомига кўра, «Олтин медал»га асосан четдан хомашё сотиб олмай, ички ресурслар хисобига харидоргир, арзон, қулай маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ташкилот ва корхоналаргина тавсия этилади. Қуқон ўрмон хужалигига қарашли корхоналарда эса 36 турдаги маҳсулот фақат маҳаллий хомашё ҳисобига тайёрланмокда. Халк истеъмол моллари - сурп, стол, стул, болалар юмшок ва қаттиқ мебеллари, ошхона жихозлари шулар сирасига киради.

Жорий йилнинг ўтган ойларида бу ерда салкам 20 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди. Бошқача айтганда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47 фоиз ўсишга эришилди. Махсулот тури эса яна тўрттага кўпайди. Яъни, ёгоч, ёгоч чикиндиларидан ташқари қамиш ва бошқа ўсимликлардан ҳам буюмлар тайерлаш йўлга қўйилди. Ана шу махсулотларнинг бариси халқаро кўргазмада намойиш

Кувалик мебелсозларнинг Мадридда, Қуқон урмончи-ларининг Парижда олқишланиши мамлакатимизда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучаяётганидан далолат беради.

Истикболни белгиловчи хужжа

Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Конституция — фукаролар тинч-тотувлиги ва хавфсизлигининг гарови» мавзуида «Давра сухбати» бўлиб ўтди. Академия ректори, юридик фанлари доктори, профессор Алишер Азизхужаев Бош қомусимиз ҳар қандай илғор мамлакатлар Конституцияси билан беллаша оладиган, мустақил давлатимиз киёфасини белгиловчи, давлатимиз келажагининг асоси бўлиб хизмат қилаётган хужжат эканлигини таъкидлади. Конституцияда барча фуқароларнинг билим олиши, мехнат қилиши ва дам олиши кўзда тутилганлиги эса Узбекистоннинг. хакикий демократик давлат сифатида шаклланаётганидан далолатдир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов, Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов ва бошқа сўзга чиққанлар Узбекистон Конституциясининг халқимиз ҳаётидаги ахамияти ва дунё микёсида тутган ўрни хакида тўхталиб, сайлов ҳақидаги қонунлар, бошқа қонунчилик хужжатларини ишлаб чикишда Конституцияга суянган холда иш олиб борилгани ва, энг асосийси, у халк фаровонлигини таъминлашда жуда катта ахамиятта эга эканлигини кайд килдилар.

Тиловат СОАТОВА.

Маргилон шахар тижорат техникумида Конституцияга бағишланган илмий-амалий конференция

Конференцияда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Хукукий маърифат таргиботи марказининг бош маслахатчиси, хукукшунослик фанлари номзоди Марат Гуломов, мазкур марказнинг вилоят бўлими бошлиги, хукукшунослик фанлари номзоди Эгамберди Кўзиевларнинг маърузалари тингланди. Шундан сўнг эса қизгин саволжавоблар ва мунозаралар бошланди. Талабаларнинг якинда Тошкент шахрида Узбекистон Республикаси Олий судида бир қанча ўта оғир жиноятлар хамда купорувчилик харакатларини содир эттан ватан хоинлари устидан чиқарилган адолатли хукм, диний экстремизм, оила ва никох, ахолини ижтимоий химоялаш масалалари бўйича саволларига маърузачилар хамда вилоят прокурорининг ўринбосари Нўъмонжон Исаков, вилоят судининг судьяси Абдужалил Аликуловлар атрофлича жавоб беришди.

Шунингдек, Конституцияга багишланган конференциялар Охунбобоев туманидаги «Агробизнес», Езёвон туманидаги касб-хунар коллежларида хам ўтказилди.

ш. дадажонова, Фарғона вилояти хуқуқий маърифат тарғиботи маркази мутахассиси.

рон етказиб берди.

Тошкент вилоятининг Кибрай туманида ташкил этилган "Лоренадон" Узбекистон-Болгария кушма корхонасида олий сифатли, экспортбоп макарон тайёрлаш йўлга қуйилди. "Тошкентдонмахсулотлари" уюшмаси тизимида тузилган қушма корхоналарнинг туртинчиси хисобланмиш "Лоренадон" киска вакт ичида истеъмолчиларга икки юз тоннага яқин юқори сифатли мака-



оширмокда Низом жамғармаси 1 миллион АҚШ долларига тенг

бўлган мазкур корхонага Ўзбекистон томонидан "Тошкентдонмахсулотлари" ишлаб чикариш акциядорлик уюшмаси, Болгария томонидан эса "Лорена-трейтинг" компанияси таъсисчи бўлган эди.

— Бир кеча-кундузда 8 тоннагача юқори сифатли макарон махсулотлари тайёрлаш имкониятига эгамиз, — дейди қушма корхона лабораторияси мудираси Рахбар Боймухаммедова. — Бунда Италия технологияси жуда кўл келяпти.

Корхонада иш уч сменада ташкил этилган. Эътиборли томони шундаки, вакуумли технология асосида бу ерда бирваракайига тўрт хил макарон тайёрланиб, бежирим халтачаларга қадоқланмоқда.

СУРАТЛАРДА: лаборатория мудираси Рахбар Боймухаммедова; ишчи Отабек Тошпўлатов иш устида. Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.



Фойдали ўкув ланмалари

«Соглом авлод учун» жамгармаси хамда АКШнинг «Procter & Gamble» компанияси ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик натижасида «Соглом авлод» Давлат дастури асосида 2000-2001 ўкув йилига мўлжалланган ўкув-согломлаштириш дастурлари тайёрланди.

Куни кеча Ташқи ишлар вазирлигининг маросимлар залида дастурлар ва ўкув кўлланмалари такдимот маросими бўлиб ўтди.

Мактаб ўкувчиларига, ёш оналарга мўлжалланган ўқув қўлланмалари уларда санитария-гигиена малакаларини оширишга, соглом ўсишлари учун зарур билим беришга хизмат қилади, — дейди «Procter & Gamble» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиги Танкут Турнаоулу. — Биз бундай хайрли ишга хисса қўшганимиздан мамнунмиз.

Дастур ва ўкув кўлланмалари Соглик-



Марказий

50 миллион сўм микдорида белгиланган, унинг 80 фоизи жисмоний шахсларнинг маблаглари хисобига таркиб топган янги банкнинг очилиши Президентимизнинг «Хусусий акциядорлик тижорат банклари тузишни рагбатлантириш чоратадбирлари тўгрисида» ва «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги фармонлари талаблари изчил амалга оширилаётганининг тасдигидир.

«Ташаббус» банки ўзининг устувор йўналишини ижтимоийиктисодий ислохотларни чукурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни молиялаш, мамлакатимизда янги мулкдорлар синфин и шакллантиришга қаратмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 34 та тижорат банки фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 12 таси хусусий банкдир.



ни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан бахамжихатликда тайёрланган. Хозир улар мактабларга, тугуруқхоналар ва «Ёш оналар» мактабларига тарқатилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Миллат шаъни фидойилари

1996 йилнинг 18 октябр куни пойтахтимизда Амир Темир ва темурийлар тарихи давлат музейи очилиши маросимида Президент Ислом Каримов шундай деган эди: «Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга кушимча килиб, сохибкирон бобомизнинг суронли хаётини хаёл кузгусидан утказиб, буюк шахсларни миллат кайгуси, халк дарди яратади, дейиш мумкин».

Дархакикат, шундай. Туронзамин деярли 150 йил мобайнида мўғул истибдодида яшади, бу давр ичида худуддаги халклар нафакат эрки, озодлигидан махрум бўлди, айни пайтда ушбу заминдаги гуллаб-яшнаб турган хаёт, оламшумул тамаддун (цивилизация) хар тарафлама инкирозга юз тутди. Амир Темурнинг тарих олдидаги энг буюк хизмати шуки, у Туронзаминни мўгул истибдодидан халос этди, унга яна кайтадан хаёт багишлади. Бу ерда кудратли давлат барпо этди. Ватанини обод, фаровон, тинчлиги, осойишталиги баркарор бир мамлакатга айлантирди.

Amp Temyp

м. сафаров

1370 йилда хокимиятни қўлга олган Амир Темур ишни, аввало, мўгул истибдоди даврида феодал таркоклик ва парокандаликка юз тутган юртида марказлашган давлат тузиш, Туронзамин ахлини ўз туғи остида бирлаштиришдан бошлади. Чунки мамлакатни ичдан бирлаштирмасдан туриб, унинг қудратини таъминлаш мумкин эмасди. Масалан, мўгуллар хукмдорлиги даврида Олтин Ўрда ва Чигатой улуси ўртасида таксимланиб, иккига бўлиниб қолган Хоразм вохасини бирлаштирган холда Мовароуннахр тасарруфига қайтариш учун бир неча марта ҳарбий юришлар уюштиришга мажбур бўлди.

Иккинчи вазифа — мамлакат атрофида мавжуд тахдидли кучларни синдириш ва салтанат хавфсизлигини баркарор этишдан иборат эди. Шу максадда сохибкирон Амир Темур 1371-1390 йилларда Мўгулистонга етти марта юриш уюштирди. Мамлакатнинг шаркий кисмидаги Дўглот амирларидан Қамариддин, Иссиккўл атрофидаги ерлар хўжайини Мир Каримберди, мамлакатнинг яна бир тарафидаги ўзига хон, кўланкаси султон Мир Хакбердилар тор-мор келтирилди. Еттисув ва Чу ўлкалари хокими Амир Тўра Ардиш (Иртиш) дарёсининг нариги тарафига қочди. Уларнинг ўрнига тайинланган Хизрхўжахон, Шаъми Жахон ва бошқалар Амир Темурга итоаткор бўлиб қолдилар.

Дашти қипчоқ ўлкаси томонидан Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда-ни бирлаштирган Тўхтамишхон хам Туронзаминга тахдид солиб турарди. Масалан, 1387 йил қишда Амир Темур Эронга юриши билан банд бўлган бир пайтда Тўхтамишхон Туронзаминга бостириб кириб, Ясси, Сигнок, Жиззах, Самарқанд, Карши ва Бухоро атрофидаги кишлокларни ва шахарларни талон-торож қилди. Занжирсаройни ёкиб кулга айлантирди. Бунинг устига, у Россия, Тур-кия, Миср, Жалоирий (Ирок) ва Қора қуюнлилар султони Қора Юсуф билан Амир Темурга қарши ҳарбий-сиёсий иттифок тузишга интилмокда эди. Хуллас, мана шундай сабабларга кўра, Амир Темур 1389, 1391 ва 1395 йилларда Тўхтамишхон устига уч марта юриш қилди. 1395 йил 17 апрел куни Терек дарёси бўйида бўлган шафқатсиз жангда Тўхтамишхон батамом тор-мор келтирилди. Тўхтамишхоннинг ўзи бир гурух якин одамлари билан Сибирга кочиб кетди. Тўхтамишхон устидан ғалаба Россия, Шаркий Оврупонинг мўгуллар истибдодидан кутулишида катта ахамият касб этди.

Амир Темур 1381-1404 йилларда Эрон, Озарбойжон, Ирок, Шом (Сурия) ва Хиндистон устига юришлар уюштирди. Гарчи бу урушлар баъзи тарихий асарларда боскинчилик юришлари деб аталса-да, лекин атокли тарихчи олимимиз Бўрибой Ахмедов айтганларидай, Амир Темурнинг ана шу юришлардаги ғалабаси "биринчидан, бу мамлакатлардаги феодал тарқоқлик ва ўзаро урушларга чек куйди. Иккинчидан, энг мухи-Узок Шарк ва Марказий Осиё мамлакатларининг Ўрта Ер денгизи бўйидаги мамлакатлар ва улар орқали Оврупо билан кўп асрлардан буён узилиб қолган иктисодий (савдо-сотик) ва маданий алоқалари қайтадан тикланишига имкон яратиб берди" (Б.Аҳмедов, "Амир Темир сабоклари" рисоласи, 61-

1400-1402 йилларда Амир Темур Туркия султони Боязид 1 ва Миср султони билан кураш олиб борди.

Атокли рус шаркшунос олими А.Якубовский шундай деган эди: "Амир Темурнинг 1402 йилда Анкара ёнида эришган галабаси нафакат Осиё тарихидагина улкан ахамиятга эга, балки Амир Темур беихтиёр иккинчи марта Оврупо халкларига холис хизмат кўрсатди". Бу холис хизматнинг биринчиси сифатида А. Якубовский Тўхтамишхон устидан козонилган галабани кўзда тутган эди.

1404 йилда Темур Хитойга

юриш бошлади.

Бу юришнинг ҳам жиддий тарихий сабаблари бор. Хитой ҳоқонлиги Мовароуннахрга гўё ўзига вассал бир мамлакатдай қарар эди. Бироқ 1405 йилнинг 18 февралида Амир Темур қўшинлари Ўтрорга етганда сохибкирон дардга чалиниб, ногаҳон вафот этди. Шу тариқа оқибати тарих учун сирлигича қолган Хитойга юриш амалга ошмади...

Амир Темур ўз даврининг буюк давлат арбоби ва харбий саркардаси эди. У ўз давридаги ижтимоий-тарихий шароит талаби ва қонуниятлари асосида иш тутди. Шу билан бирга, ўзигача яшаб ўтган Александр Македонский, Чингизхон каби жахонгир хукмдорлар билан киёсланадиган бўлса, Амир Темурнинг тарихий фаолияти чукур адолатли асослари билан ажралиб туради. Масалан, у ўз тасарруфига олган мамлакат-

ларда улкан ободонлаштириш ишларини хам амалга оширди, тинчлик, осойишталик, тартибинтизом барқарорлигини таъминлашга эътибор берди. Босиб олинган давлатларда ўша ернинг обрўли-мартабали одамларининг ўзини хукмрон этиб қолдирди. Лекин бузғунчилик, фитна йўлини тутган амалдорларни аяб ўтирмади ва уларнинг ўрнига ўзи ишонган амирларни, шахзодаларни хоким этиб тайинлади. Бироқ адолат, тартиб-қоидани бузган пайтларда ўзга ерларга хукмрон бўлган ўз фарзандлари ва амирларини

хам қаттиқ жазолади.
Энг мухими, Сохибқирон ўз она-Ватани — Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётига фидойиларча бутун хаётини бағишлади. Мўғуллар истилосидан хароб бўлган шахарларни қайта тиклади. Самарқанд, Бухоро, Шош, Шахрисабз каби шахарлар ўз даврининг обод, гўзал шахарларига, илм-маърифат ва маданият марказларига

аиланди. Бу шахарларда кўплаб масжид, мадраса ва хонақохлар курилди, янги бозорлар, карвонсаройлар, хаммомлар, шифохоналар барпо этилди. Самарканд атрофида ва бошка манзилларда боглар бунёд бўлди. Мамлакатда иктисодиёт, тижорат ва бунёдкорлик ривожланди. Дехкончилик, зироатчилик, чорвачилик рагбатлантирилди, оддий мехнат ахлига мурувватлар кўрсатилиб, ортикча соликлар камайтирилди.

Энг мухими, салтанатда "Куч — адолатда" шиори бош талаб-га айланди, қонун, тартиб-интизом қаттиқ йўлга қўйилди.

Амир Темур шахсиятининг нодир хислатлари, унинг давлат бошқаруви тажрибалари, ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги ўлмас ибратлари мустақилликка эришган ва янги ҳаёт қураётган Ўзбекистоннинг

хозирги тараққиёти жараёнида ҳам асқотмокда.

Узбекистон мустакилликка эришгач, миллий тарихимиз ва бой маънавий-маданий меросимиз бойликлари қайтадан идрок этила бошланди. Ўтмишимизнинг буюк намояндалари қайтадан эъзозланмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мустақилликнинг илк кунларидаёк, жумладан, буюк Сохибкирон Амир Темур хазратларининг хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш сохасида улкан ташаббуслар кўрсатди. Тошкентда, Самарқандда, Шахрисабзда Амир Темурнинг салобатли хайкаллари қад кўтарди, хайкаллар атрофида боглар, хиёбонлар бунёд этилди. Шахарлар, кўчалар, мактабларга Амир Темур номи берилди. 1996 йилнинг 14 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллабкувватлаш тўгрисида"ги карори эълон қилинди. Ўша йилнинг 14 апрелида эса "Амир Темур орденини таъсис этиш тўгрисида' Узбекистон Республикасининг Конуни қабул қилинди. Бу фахрли орденга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сазовор бўлди. Пойтахтимизда ўша, 1996 йилнинг 18 октябр куни Амир Темур ва темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Худди шу йили, октябр ойида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги республикамизда ва халқаро микёсда кенг нишонланди.

Амир Темурдай бобоси борлигидан Узбекистоннинг козирги авлодлари кувонса, чексиз фахрланса арзийди. Халкимизнинг келгуси насллари хам у билан гурурланишларига ишончимиз комил. Узмиллати, она-Ватани ва умуман, инсоният олдидаги бебахо хизматлари билан Сохибкирон Амир Темур абадиятга мансуб буюк зотлардан бири булиб колаверади.





C • 2.12.2000

ЯНГИ АСР БЎСАГАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

республика ахолиси ва мехмонларига ноёб имкониятни—
энг замонавий тўлов воситаси бўлган

СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИНИ

бепул олишни таклиф этади.

карточка эгаларига йилига фойда тўланадиган омонат очилади

36%

хар ойда капиталлаштириш эвазига эса пулларингиз йилига 42,5% кўпаяди.

Хисобварағи қаерда очилганидан қатъи назар, сўм карточкаси ёрдамида бизнинг исталган муассасамизда банкоматдан ҳам, кассадан ҳам нақд пул олишингиз мумкин.

«Шарқ-Мир», «Тижорат» супермаркетларида ва Нукус аэропортида ҳам банкоматлар ўрнатилган.



Ўзбекистон
Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият
миллий банкининг
исталган бўлим ёки
филиалига мурожаат
қилиб, сўм пластик
карточкасининг эгаси
бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 137-62-80, 34-31-53.



Супермаркетлар, дўконлар, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компанияларида, авиа ва темир йўл кассаларида сўм карточкалари товарлар ва хизмат хақини тўлаш учун қабул қилинади;

сўм карточкаларининг эгаларига ҳаёт ва соғлиқни бепул суғурталаш имкони берилади.

Айни вақтда банк шуни маълум қиладики, «Ўзмиллийбанк» пластик карточкалари бошқа турлари буйича воситачилик мукофотлари тарифлари ўзгартирилган.

Ташки иктисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сакланиши ва даромадлилигига кафолатдир.

a XC

Билганларимиз хакида билмаганларимиз

Хагисаки Россияга сотилган экан

Япония харбий-денгиз хизматининг собик ходими Шегихиро Хагисаки Россияга мамлакат мудофаа сирларини сотгани-

Япония бош прокуратурасининг маълум килишича, Ш.Хагисаки бир неча йиллар мобайнида 170 дан зиёд махфий хужжатни Россия элчихонасининг харбий атташесига пуллаган.

Ушбу хужжатларда уруш тактикаси, ҳарбий коммуникация ва АҚШнинг Япониядаги ҳарбий базалари тўгрисида маълумотлар бўлган.

Хужжатларни сотиб олган россиялик дипломат Виктор Богатенков эса Ш. Хагисаки хибсга олингандан сўнг Японияни тарк этган, деб ёзади Би-Би-Си янгиликлар хизмати.

Хагисакининг суди душанба куни бошланади. Россия мудофаа вазири Игор Сергеевнинг Японияга ташрифи хам айнан ўша кунга белгиланган.

Исроил хукуматида танглик

Яқин Шарқда вазият кескинлашаётгани Исроил хукуматида тангликни юзага келтирмокда. Бош вазир Эхуд Барак мамлакатда муддатидан аввал парламент сайлови ўтказилишига рози бўлди. Бош вазир Исроил кнессетида парламентни таркатиб юбориш бўйича қонун лойихасига овоз бериш олдидан сўзга чиқиб, «Сиз сайлов ўтказишни истасангиз, мен тайёрман», деди. Шунингдек, у ўзи бошқараётган хукумат мухолифатдаги «Ликуд» партияси билан биргаликда бўлажак парламент сайлови ўтказиладиган кунни белгилаб олишини маъ-

> лум қилди. Сайлов келаси йилнинг апрелидан ноябр ойигача бўлиб

ўтиши мумкин.

Эхуд Барак Исроил тарихида узоги билан бир ярим ой ичида муддатидан олдин парламент сайловини ўтказишга мажбур бўлган биринчи Бош вазирдир. Исроил парламентининг Эхуд Барак сиёсатига норозилиги асосан унинг Фаластин томони билан олиб борилаётган музокараларда тутаётган

йўлидир.

Фаластин маъмурияти Исроил хукуматида юз бераётган бундай ўзгаришлар Исроилнинг Фаластинга нисбатан олиб бораётган сиёсатида ижобий ўзгариш ясайди, деб умид билдирмоқда. Фаластин миллий мухторияти ахборот ва маданият ишлари вазири Ёсир Абду Раббо «Фаластинликлар учун Исроил хукуматига ким рахбарлик қилишининг ахамияти йўк, мухими, Исроилнинг Фаластинга нисбатан олиб бораёттан сиёсати яхши

Буш губернаторликдан воз кечмокчи

АҚШ халқи ҳамон мамлакатнинг янги Президенти ким бўлади, деган саволга жавоб топа олмаянти. Президентликка номзод Жорж Бушнинг вакиллари ўз номзодининг сайловда галаба қилганини таъкидлаб, иккинчи номзод Алберт Горнинг барча бахсли овозларни охиригача санаб чикиш таклифини катъиян рад этмокдалар. Жорж Бушнинг расмий вакили Карен АҚШ фукаролари сайлов жараёни аллақачон тугаганини яхши тушуниб турибди, деди.

Карен Хьюз Техаснинг Остин шахрида сўзга чикиб, Флорида штатида овоз бериш бюллетенлари бир неча бор кайта саналганини, хатто баъзи бир бюллетенлар кулда санаб чикилганини маълум килди. Шундай булса-да, демократлар номзоди Алберт Гор овозларни яна бир бор санаб чикишта даъват эт-

мокда, деди.

Айни пайтда Жорж Буш вакиллари ўзларининг маъмуриятини ташкил этиш ва ҳокимият ваколатини ҳабул ҳилишга тайёргарлик кўриш масаласини мухокама этиш учун Ж. Бушнинг Техасдаги дала ховлисида йигилмокчи. Журналистларнинг «Агар Жорж Буш ўзини сайловда ғалаба қилдим, деб хисобласа, нега губернаторлик лавозимидан кетмаяпти?» деган саволига эса Ж. Буш бу ҳақда яқин қунларда қарор қабул қилади, деган жавоб олинди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

лар ва миллат-элатларнинг ўзаро алоқасида йирик ташкилотларнинг ўрни бекиёс. Шундай уюшмалар-дан бири АСЕАНдир. Жануби-Шаркий Осиё давлатлари Ассоци-ацияси (АСЕАН) 1967 йилда беш давлат: Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари ташқи ишлар вазирлари конференциясида ташкил топди. 1984 йили бу ташкилотга Бруней давлати хам аъзо бўлиб кирди. 1995 йилдан Вьетнам хам шу ташкилотнинг еттинчи аъзоси булди. Бугунги кунда Лаос, Камбоджа давлатлари хам АСЕАНнинг иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келмокда.

1976 йили Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўгрисида Бали оролида (Индонезия) имзоланган шартномаси асосида мазкур ташкилотнинг Низоми тасдикланди. Ушбу ассоциациянинг асосий максади Жануби-Шаркий Осиёда тин-члик ва баркарорликни таъмин-лаш хамда иктисодий, ижтимоий ва бошка сохалар бўйича хамкорликни ташкил этишдан иборат. АСЕАНнинг рахбар органлари — давлат ва хукумат бошликлари Кенгаши, ташқи ишлар вазирликларининг Кенгашидир. Бу икки орган хар йили ўз йигилишини ўтказиб туради. Шунингдек, АСЕ-АНнинг Бангкокда жойлашган доимий қумитаси ва Жакартадаги Котибияти ҳамда ўн битта тармоқлараро (савдо, саноат, қишлоқ хужалиги, транспорт, молия ва бошқалар бўйича) қўмиталари бор.

Ташкилот Низомининг бандларидан бирида ташқаридан аралашувга йўл қўймаслик таъкидланган. Бироқ қозирги кунда АСЕАН мамлакатларида (асосан Индонезия ва Малайзияда) молиявий-иктисодий муаммоларнинг мавжуд эканлиги ушбу минтақаға четдан таъсир кўрсатиш кўламини кенгайтирди. Минтақада нафақат иқтисодий муаммолар, балки сиёсий муаммолар хам етарлидир. Шарқий Тимор масаласи, Молуккадаги (Индонезия) вазиятнинг хануз кескин бўлиб колаётганлиги, Филиппиннинг жанубидаги Холо оролида «Абу Сайёф» диний экстремистик гурухининг қупорувчилиги, Малайзияда хукуматнинг собик вакили Анвар Иброхим устидан олиб борилган суд жараёни ва бошқа во-

қеалар шулар жумласидандир. АСЕАН давлатлари ўз сиёсатида минтакани тинчлик, озодлик ва бетарафлик зонасига айлантириш гоясини бош максадлар каторига киритган. Лекин кейинги 3-4 йил мобайнида юзага келган молиявий тангликлар сиёсий жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

АСЕАН давлатларини ларзага солди, десак муболаға булмайди. Тўгри, бу оролдаги исёнларнинг мохияти миллий мустакилликни тиклашдан иборат эди. Халқаро ҳамжамиятнинг кўмагида Шарқий Тимор халқи ўз мақсадига эришди хам. Аммо бу холат Индоне-зия ёки АСЕАН мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий вазият бар-

қарорлашганини ифода этмайди. Индонезия ташқи ишлар вазири Алви Шихаб Нью-Йоркда булган чогида БМТ Бош котиби ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларини Шарқий Тимор масаласида халқаро ҳарбий трибунал



ташкил қилишга асос йўқлигини исботлашга уринди. Шундай булса-да, 205 миллион ахолиси булган Индонезияда бир қатор харбийлар истеъфога чикарилди. Воқеалар оқимига назар ташлайдиган бўлсак, халқаро хамжами-ятнинг ташвишланишида хам жон борга ўхшайди. Дунёдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган Индонезияда хам мана, бир неча йилдирки, иктисодий ва сиёсий беқарорлик хукм сурмоқда. Мамла-катнинг баъзи оролларида насронийлар билан мусулмонлар ўртасида қонли туқнашувлар юз бераёттан булса, айрим вилоятларида махаллий ахоли хукумат сиёсатига норозилигини намойиш қилмоқда.

Табиийки, айнан бу жараёнлар АСЕАНдаги умумий холатга ўз таьсирини кўрсатмокда. Гарб давлатларининг ушбу минтақага қизиқиши ҳам тасодифий эмас. Бугунги кунда Россия ҳам ўзининг стратегик манфаатларини АСЕАН минтакаси билан богла-мокда. Бунинг асосий сабаблари: арзон ишчи кучининг мавжудлиги, транспорт коммуникацияларининг (айниқса, денгиз орқали) жуда қулай эканлиги, хомашё захираси ва бошқалар минтақага интилишнинг омилларидандир. Яна

нихоясига етаётган асримиз вокеаларига чукуррок назар солсак, Жануби-Шаркий Осиё гохида Буюк Британиянинг, баъзида АҚШ ва Япониянинг «ўлжаси» бўлганлигига ишонч хосил қиламиз. Уша кезлардаги сиёсат, аник-роги, мустамлакачилик сиёсати бугунга келиб бироз бошкачарок шаклда давом этмокда.

АСЕАН — йирик минтақавий ташкилот, дедик. Унинг истиқболи боқий, дейишимизга ҳам асос бор. Фақат бунинг учун минтақа тинчлиги ва осойишталиги сув билан ҳаводек зарур. Ана шунда-гина АСЕАН ўзига хос Осиёнинг «Европа Иттифоки»га айланиши мумкин. Ушбу фикрда катта маъ-но бор. Чунки «эски китъа» ва-килларининг АСЕАН давлатлари рахбарлари билан мунтазам учрашувлар ўтказишга қизиқиши ва ушбу минтақада «янги Осиё йўлбарслари» пайдо бўлаётганлиги шундан гувохлик беради. АСЕАН давлатлари минтақани

ядросиз зонага айлантиришдек умумбашарий ҳаракат дастурида ҳам ҳатнашиб келмоқда. Хусусан, йил 6 августда имзоланган ва 1986 йил 11 декабрда кучга кирган Раротонга (Янги Зеландия) Шартномасини қуллаб-қувватла-ган мамлакатлар орасида АСЕАН давлатлари ҳам бор. Маълумки, Раротонга ахдномасида Тинч океанининг жанубий қисмини ядросиз зонага айлантиришга келишиб олинган эди.


Эй, Навоий, ғам тоғга айланғач, кўз ёшлари лолалардир:

Тоғ шунақа бўлар экан, албатта,

унда кўз ёшларидан лолалар унади-да!

Навоий шеърига шоирона хулоса ясар экан, айни вақтда матлаъдаги «лолалар» сўзини мақтаъда қофия тарзида такрор қўллаган. Бу ҳам шоир санъаткорлигининг бир қирраси бўлиб, бундай санъат Шарқ шеъриятида «радди қофия» деб аталади. Лолалар бунда қонли кўз ёшларга ўхшатилган бўлса ҳам, бадиий моҳиятига кўра, гўзаллик рамзидир.

Маълум бўладики, Навоий болалик йилларидаёқ анъанавий мавзуларда хам ноёб шеърлар яратиб, етук шоир даражасига кўтарила олган.

Бизнинг давримизда бу ғазалга машхур хонандамиз Фаррух Зокиров янгитдан ҳаёт бағишлади. Бугунги ёшларимиз томонидан бу газалнинг севиб куйланаётгани эса шоир бизга бугун ҳам наҳадар яҳин эканининг белгисидир.





Кушнилар



билмайди...

ж. носиров

Наманган вилояти давлат солик бошқармаси ва Наманган шаҳар прокуратураси ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбир давомида ўз уйини яширин ароқ цехига айлантириб олган фукаро Зокиржон Иловитдиновнинг сири фош этилди.

Наманган шахри, Нуритдин Қориев 4-берк кўчаси, 8-уйда истикомат килувчи, 1967 йилда тугилган Зокиржон умри давомида бирор жойда ёлчитиб ишламаган. Фақат қинғир йўллар билан пул топишни касб этиб олган. Яширин цех хам унга соғин сигирдек бўлиб қолған эди.

Тадбир ўтказилган куни Зокиржон тўракўргонлик хамтовоги Абдуназар Бойназаровга 9 литр спиртни 16 минг 800 сўмга сотиб, пулни энди чўнтакка жойлаб турганди. Соликчилар ва прокуратура ходимларига кўзи тушди-ю, ранги докадек оқариб кетди. Баҳоналарни рўкач қилишга хам курби етмай қолди.

Тезкор гурух аъзолари ўша куни ичкарини кўздан кечириб, сотиш учун тахт қилиб қўйилган яна 190 шиша қўлбола ароқ, 74 литр спирт, 81 шиша қўлбола

коняк, қалбаки акциз маркалари, ёрлиқлар, қопқоқлар ва турли хил мосламаларни рўйхатга олдилар. Сохта спиртли ичимликларни со-

Бундай ноқонуний хатти-харакатлар кимсасиз чулу биёбонда эмас, балки Наманган ва Гиждувондек гавжум шахарларда руй берганини куриб, лоқайд қуни-қушниларга «тасаннолар» айтгинг келади.

тишдан тушган 161 минг сўм пул ҳам шу ерда экан. У ҳам далилий ашё сифатида тортиб олинди. Сўнг тўпланган материаллар асосида шахар прокуратураси дархол жиноят иши қўзғатди. Хозир тергов харакатлари олиб борилмоқда.

Соликчилар Бухоро вилояти **Гиждувон** шахрида ҳам шундай холатга дуч келдилар. Маълум бўлишича, Гиждувоний кўчаси. 42-уйда истикомат килувчи Акбар Набиев май ойидан буён хуфия йўллар билан қўлбола ароқ тайёрлаб келаётган экан.

Акбарнинг яширин цехи кўздан кечирилганида, 340 минг сўмлик спиртли ичимликлар, сон-саноқсиз ёрлиқлар, қопқоқлар ва уларни ёпувчи мосламалар чиқди. Бундан ташқари, у бир кунимга яраб қолар деб, 2

миллион 595 минг сўм пулни гамлаб қуйган экан. Хаммаси далилий ашё сифатида олиб қуйилди. Ушбу холат юзасидан А. Набиевга

нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув харакатлари бошлаб юборилли.

Бундай ноқонуний хатти-харакатлар кимсасиз чулу биёбонда эмас, балки Наманган ва Гижду-

вондек гавжум шахарларда рўй берганини кўриб, локайд кўни-кўшниларга «тасаннолар» айтгинг келади. Нахотки, спиртнинг қўланса хиди уларнинг димогини ёрмаган бўлса? Нахотки, улар қўлбола ароқларнинг содда харидорларини кўришмаган бўлса?! Ахир, қинғир ишга қўл урган, ноқонуний йўллар билан даромад орттиришни касб этиб олган қушниларига дашном бериб, туғри йўлни кўрсатишса бўларди-ку?

Тадбиркорликнинг такикланган турлари билан шуғулланаёттанларнинг косаси оқармайди. Уларнинг эркин ҳаракат қилишларига қонун йўл қўймайди. Қонун устуворлиги таъминланаёттан хозирги пайтда фақат тўгри яшаб, тўгри ишлаган ютади. Шундай экан, эс борида этакни ёпиб, нонни халоллаб ейишта ўрганиш керак.

Гиёхвандликни аср вабоси, умр кушандаси, деймиз, инсониятни майиб-мажрухликка, манкуртликка гирифтор этувчи, аклдан оздирувчи огу, деймиз. Мен бу гапларнинг исботига шахсан гувох бўлганман.

Р. ҚОСИМОВ, иив дан Бош бошкармаси катта инспектори, милиция майори

Чамаси, ўн йиллар мукаддам пойтахтдаги болалар дам поитахтдаги облагар уйидан бирида кўрган-кечирганларим хотирамга абадул-абад мухрланиб колган. Болалар уйи дирек-торининг: «Бу ерда ичкилик-бозликка ва гисхвандликка чалинган ота-оналардан тугилган, бирон-бир камчилик билан дунёга келган болалар даволанади», деган сўзлари халигача кулокларим остида жаранглайди.

Гиёхвандлик сўзини эшитишим билан болалар уйида кўрганларим — айбсиз айбдор бўлиб туғилган, нари борса беш-ўн йиллик умрини оиласида эмас, балки баруа шартынаромитар барча шарт-шароитлар мухайё этилган тўрт девор орасида ўтказишга махкум болалар ва ўша болаларнинг нигохида қотиб қолган изтироб, мунг куз олдимга келади. «Уларнинг аччик кисматига ким айбдор?»

бўлган автомашинани тўхтатди. Автомашинани кўздан кечириш жараёнида юкхонанинг остки кисми янги таъмирланганлиги унда шубха уйготди. Шу боис автомашина вилоят ИИБ ДАН бошкарма-сига олиб келиниб, холислар иштирокида юкхонанинг остидаги темир коглама кесиб олинди. Буни карангки, 35 ўрамда — 26 килограмм 434 грамм оғирликда «геро-ин» гиёхвандлик моддаси шу ерга яширилган экан.

Сурхондарё вилоят ИИБ ДАН бошкармаси ходимлари, милиция капитанлари Э.Абду-назаров, Б. Эгамбердиев ва милиция катта лейтенанти Ш. Химматовлар Термиздан Тошкентга йўл олган Жаркўр-гон туманида яшовчи Намоз С. бошкарувидаги «ГАЗ-69» русумли, 19 D 10 94 давлат оакамли автомобилни тухта. ракамли автомобилни тухтатишди. Хайдовчи ёнида тожикистонлик йўловчи Курбонали Қ. ҳам бор эди. Текширув жараёнида улар утирган ўриндик остидан целлофан халтачага ўралган бир килограммга якин модда топилди. Кимёвий экспертиза хулосасига кўра, 963 грамм 200 миллиграмм огирликдаги бу модда киши организмига



• Тахририятга хат

agumusgah

Она-табиат Кушработдан ўз саховатини аямаган. Туман замини бебахо неъматларга жуда бой. Айникса, Кушогочда топилган шифобахш сувнинг таърифига сўз ожиз. Мутахассис-олимларнинг аниклашларича, бу обизамзам таркибида аммоний, калий, натрий, калций, магний, темир, гидрокарбонат сингари ноёб моддалар мавжуд. У юрак-қон томири, ошқозон-ичак, жигар, ўт, асаб касалликларини даволашда қўл келади. Шу боис 1993 йили ушбу масканда маъданли сув билан муолажа қилувчи, 50 ўринга мўлжалланган сихатгох курилиши бошлаб юборилганди. Дастлаб ишлар анча яхши кетди. Асосий бинолар тез қад ростлади. Бирок, маълум вакт ўтгач, сусткашлик руй берди. Тегишли маблағ вақтида ажратилмади. Кўтарилган бинолар ёгин-сочинда нураб, емирила

бошлади. Бу хакда турли матбуот нашрларида кўп ёзилди. Қанчадан-қанча маблағ, ишчи кучи ва вақт бехуда шамолга совурилаётгани кескин танқид қилинди.

Афсус, барибир, фойдаси бўлмади. Мана, оқибати: сихатгох курилиши хамон туя гўшти еганича ётибди. Кушогочга дардига малхам излаб келаётган хастаю беморлар овораю сарсон бўлмоқдалар. Махаллий ахоли уйларини вактинча ижарага олиб, доимий равишда окиб ётган маъданли сувдан ўз билганларича фойдаланмоқдалар.

Хўш, нега шундай? Ёки халқимиз айтганидек, олдимиздан оккан сувнинг кадри йўкми? Ахир, сихатгох ишга туширилса, одамларга хам, давлатга хам кони фойда-ку?! Аввало, ташриф буюрувчилар қийналишмайди. Хар йили



мингга яқин киши дарддан фориғ бўлади. Қолаверса, сихатгох шарофати ила 150 нафардан зиёд одам иш билан таъминланади. Махаллий бюджетга яхшигина даромад тушади. Энг мухими, шифобахш сув бехуда исроф бўлмайди. Эл-юрт корига ярайди. Бунинг учун мутасаддиларда озгина кунт-хафсала бўлса, кифоя. Улар, жилла курса, ўша сувни газлаштириб ёки табиий холича турли идишларга қуйиб, «Кушоғоч» номи билан сотувга чикаришни ўйлаб кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди. Сарфланган харажат эса тез орада ўзини коплаши табиий.

Мусохон УБАЙДУЛЛАЕВ, Самарканд меъморчилик ва қурилиш институти доценти, техника фанлари номзоди.

деган аламли савол хаёлимда чарх ураверади. Буларнинг бош сабабчиси тўрт кунлик дунёда кайфу сафо килиб колиш керак, деган акидага кул бўлган, кейин эса гиёхвандлик деб аталмиш вабо асоратидан кутулолмай, хаёти захар-заккумга айланган ота-оналар эмасми?

Афсуски, орамизда халкига Ватанига хиёнат килиб бўлса-да, мўмай даромад орттиришга муккасидан орттиришта муккасидан кетганлар, туз ичиб тузлигига тупурганлар бор. Улар инсоф, диёнат, рахм-шафкат деган туйгулардан бегона. Мажрух тугилган, тугилган-у, тўшакка михланган гўдаклар нигохидаги мунг уларнинг тошга айланган юракларига заррача таъсир килмайди, ларга қараганда туқ ва бадавлат, беками-куст яшаса

Энг ёмони, ўта содда ва иборат зарарли таъсирларига тушиб колмокдалар.

Фақат бир нарса кунгилга таскин беради: ички ишлар идоралари ходимлари ана шундай тубан кимсаларнинг кирдикорларини фош этиш борасида катор тадбирларни амалга оширмокдалар. Шу йилнинг 6 октябр куни

Бухоро вилоятида катта микдордаги гиёхвандлик билан боглик, жиноят фош этилди. Вилоят ички ишлар бошкармаси ДАН йўл-патрул хизмати бўлинма милиция капитани Улугбек Рахмонов «Чандир» ДАН масканида хизмат вазифасини ўтаётганди. Сурхондарёдан Қорақалпогистонга караб харакатла-наётган «ВАЗ-2106» русумли 6» русумли, 22 С 21 37 давлат раками

кучли таъсир этувчи «героин» эканлиги маълум бўлди. Бекобод шахар ИИБ ДАН бошқармаси йўл-патрул хизмати старшинаси Гофир Хасановнинг хушёрлиги ва бурчга садокати яна бир карра синовдан ўтди. милиция назорат масканида хизмат пайтида «Нексия» русумли, давлат ракам белгиси 11 J 25 64 бўлган автомашинани тўхтатди. Хайдовчи Юсуф Э. ўзини хотиржам курсатишга харакат киларди. Аммо аллакандай бир ички туйғу инспекторни безовталантирди. Шу боис у салонни синчиклаб текшира бошлади. Янглишмаган экан, унг томондаги олдинги эшик ичидан целлофан халтачалар-га уралган икки булак ок модда топилди. Роппа-роса икки килограмму уч милли-гамм огирликдаги бу модда узм. килиларани таназаулга қам кишиларни таназзулга дучор килиш қудратига эга булган «героин» эди. Умуман олганда, жорий

нг ўтган даври мобайнида Давлат автомобил назорати ходимлари бошка вакиллари билан биргаликда республика микёсида гиёхвандликнинг ноконуний айланиши билан боглик 950 та жиноятни фош этдилар. Уз манфаатини ўйлайдиган, нияти ёмон ва ёвузликдан иборат булган бундай кимса лардан тортиб олинган ва йўк килинган захри котил микдо-ри эса 796 килограмм 95

граммни ташкил этди. Демак, юзлаб, балки минглаб оилалар таназзулдан ий ломитке лидиите комих минглаб содда ва бекарор. иродаси буш хамюртларимизнинг хаёти, соглиги, бахти ва кувончи асраб колинди.

MAY P

• Шифокор огохлантиради

Вирусли гепатит хавфли касаллик

Жамол НАЗАРОВ, Чилонзор тумани Санитария-

эпидемиология назорати маркази бош шифокори

Вирусли гепатит касаллиги тарқалишининг олдини олиш масаласи, бир неча йилдирки, соғликни саклаш ва таълим муассасалари ходимларининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қол-

Республикамиз ахолиси ўртасида гепатитларнинг бир неча хили кенг тарқалганлиги аниқланган. Хусусан, гепатит «А» (ГА), гепатит «В» (ГВ), гепатит «Д» (ГД), гепатит «С» (ГС), гепатит «Е» (ГЕ).

Гепатит «А» касаллиги республикамиз ахолиси орасида асосан октябр-ноябр ойларида кўпаяди. Бу касаллик тарқалишининг энг юкори кўрсаткичи декабр ва январ ойларига тўгри келади.

Гепатит «А» касаллиги тарқалишининг асосий манбан ўткир инфекцион жараённинг турли шаклларини бошидан кечираётган беморлар ва вирус ташувчилар хисобланади.

Гепатит «А» касаллигининг яширин даври 7 кундан 45 кунгача давом этади, яъни ўртача 23-25 кундир. Вирус бемор нажаси билан ажралади. Вируснинг энг куп миклорда тарқалиши касаллик яширин даврининг охирги 7-10 кунларига ва сариклик одли даврига тўгри келади. Айнан худди ўша даврларда гепатит билан огриган беморлар касаллик қўзғатувчи манба сифатида атрофдагилар учун энг хатарлидир.

Гепатитнинг «А» турини аниклаш жуда қийин. У асосан сариклик даврида аникланади. Сариклик даврида баданда сариклик пайдо бўлади, сийдик ранги тўқлашади, ахлат рангсизланади. Вирусли гепатитнинг «А» тури тез тарқалади.

Бу касалликнинг эпидемиологик ўзига хослигини асосан манший-мулокот йўли белгилайли. Бу эса унинг уюшган жамоаларда, оилада кенг тарқалишига сабаб булади.

Гепатит «А» касаллиги тарқалишининг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига қатънй риоя қилиш керак. Овқатланишдан олдин ва хожатхонага кириб чиккандан сўнг, албатта, қулни совунлаб ювишта одатланмок лозим. Сабзавот ва меваларни водопровод сувида ювиб, сўнг истеъмол қилиш, водопровод суви бўлмаган жойларда қайнатилган сувдан фойдаланиш зарур. Арик, ховуз ва очик қудуқ сувларини қайнатмасдан ичмаслик керак.

Касаллик тарқатувчиси бўлмиш пашшаларни хам ўз вактила қириб ташлаш ўта мухим. Болаларга имкони борича кучада овкат емасликларини, сакич чайнамаслик, курут, маккажухори таёкчаларини истеъмол килмасликларини ҳар куни уқтирмоқ лозим. Факат тургун савдо шохобчаларидан озик-овкат махсулотларини сотиб олиб, истеъмол қилиш мақсалға мувофиклир.

Вирусли гепатит билан огриган беморларни ўз вактида аннклаш ва уларни зудлик билан шифохонага ётқизиш керак. Фақат ана шундай йўл билангина касаллик тарқалишининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун эса киши ўзида касаллик аломатларини сезиши биланок, сира кечиктирмасдан шифокорга мурожаат қилиши зарур.

Қирқ йилдан бери мактабда ўқитувчилик қилаётган қушнимнинг юраги бироз безовта булиб, шифокорга учраган экан, у ичадиган ва томирга юбориладиган бир неча дори-дармон ёзиб берибди.

Жами 9750 сўмлик дори сотиб олдим, — деди

Кулидаги рецепт қоғозларини курсатди. Дорихона ходимлари қоғозга дориларнинг нархини ёзиб қуйишган экан: «Капотен» — 4200 сум, «Актоваген» 4800 сўм, «Аденозинтрифосфат» (АТФ) — 750 сўм.

Жуда киммат жойлардан олибсиз, - дедим кушнимга. — Мен бир дорихонани биламан. У ерда хамма дорилар арзон. Масалан, «Капотен» — 1920 сўм (сизникидан 2280 сўмга фарк килади), «Актоваген» — 2760 сўм (2040 сўм арзон), АТФ эса 390 сўм (фарки — 360 сўм).

Ие, билмабмиз-да, - таассуф ила бош чайкади кушним.

Қодиржон СОБИРОВ

Дорихоналар доимо халолпоклик, тўгрилик, тозалик, мусаффолик рамзи, эталони, яна хам аникрок айтсак, андозаси бўлиб хизмат қиларди. Халкнинг тилида бўлган «Аптекадаги каби аник» ибораси ёдингиздами? Энди эса, афсус...

Маколамиз бошида айтиб ўтганимиз, дорилари бошкаларникидан анча арзон дорихона қаерда жойлашганлигини айтиб ўтирмаймиз (унинг манзили мухарририятга маълум), зотан, унинг мудири бошқалар кўзи ўнгида «ола қарға» бўлиб қолиши турган

Келинг, тилга олганимиз учта препарат (дори)ларнинг нархлари хусусида гаплашай-

Юнусобод туманининг Ахмад Дониш» кийим-кечак бозорига кираверишдаги, на ракамию на унвони бор дорихона Қахҳор Ширинбоев раҳбар бўлган «Мехригиё» фирмасига тегишли бўлиб чикди. Лекин бу дорихонада «гиё» кўп бўлиб, харидорларга нисбатан «мехр» анча танқис экан. Чақконгина аёл АТФ дорисини 600 сўмдан (халиги биз айтган дорихонада у 390 сўм эди), «Актоваген»ни эса 3000 сўмдан пуллаяпти. Нариги дорихонада бу дори, ёдингизда бўлса, 2760 сўм турарди.

Лекин бу хали холва экан. Нарирокда, автобус бекатидан сал ўтгач, яна бир дорихонага рўбарў бўлдик. Унга Фарида Асқархўжаева деган аёл мудирлик киларкан. Биз тилга олган учта дорининг нархлари бу ерда куйидагича эди: «Актоваген» — 4800 сўм (халиги «сахий» дорихонадагидан 2040 сўм киммат), «Капотен» 4050 сўм (2280 сўм киммат), АТФ — 750 сўм (360 сўм киммат)...

Халкимиз дори-дармонни мукаддас деб билади ва унинг учун пулни аямайди, кўп холларда нархини суриштирмайди хам. Кимлардир элимизнинг мана шу нозик жихатларидан устамонлик билан фойдаланаётганлиги яққол кўзга ташланиб турибди.

Биз дорихона мудираси Ф. Асқархўжаевадан дориларнинг бахолари қайд этилган хужжат (накладной)лар билан таништиришни илтимос килдик.

- Энг аввало, сизлар текширув ўтказишга ваколатли

эканликларингиз хакида расмий хужжат такдим этишларингиз лозим, — чўрт кесди мудира, менинг акам солик тизимида ишлайди. У «Хеч кимнинг бекордан-бекорга текшириш ўтказишга хакки йўк», деб айтган.

 Бу сиз назарда тутган расмий текширишлардан эмас. Биз матбуот вакилларимиз, мана, хужжатларимиз. Сиз бизгагина эмас, хар бир харидор талаб қилган тақдирда унга хам накладнойни кўрсатишга мажбурсиз. Мабодо бу нарсани акангиз хохламаса-да.

Аёл ичкарига кириб кетди ва юзлаб дори-дармонларнинг бахоси ёзилган бир тўп қалин

армон қоғоз тахламини олиб чиқди. Тақ этиб олдимизга ташлаб

- Мана, истаган дориларнинг нархларини ўзларингиз топиб олаверинглар. Менинг бундай ишлар билан шуғулланишга вақтим йўқ.

қўйди.

Мудира билан анча «даханаки жанг»дан сўнг мазкур дорихона Чилонзорнинг «Фарход» бозори ёнида жойлашган «Хадид» фирмасига тегишли эканлигини билдик.

Фирманинг бошлиги ким? Билмайман! — ростакамига жахли чикди аёлнинг. — Ботир аками, Ғафур аками деган

> одам. Яхшиси, 749706 телефонига қўнғироқ қилиб, ўзларингиз билиб олинглар.

Ана, холос...

Тухумнинг тоза ёки палағда эканлигини аниклаш учун унинг хаммасини еб кўриш шарт эмас, деган гап бор. Шахардаги юзлаб дорихоналарнинг қайсинисига бош сукманг, ахвол шу эканлигига ақлимиз етди. Бу пайт диккатимизни дори-дармонларнинг нархларидан хам ахамиятлирок бўлган бошқа бир муаммо ўзига жалб қилди. Уқитувчи қўшним 4200 сўмга, яъни ярим маошига сотиб олган «Капотен» дорисини бир таниш шифокор дўстимиз кўрдида, дархол қатъий

хулоса чикарди.

— Бу сохталаштирилган дори, ясама, - деди у, - ичгандан ичмаганингиз маъкул.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида республика Соғлиқни саклаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси томон йўл олдик.

 Ха, бу сохталаштирилган дори, — деди кулимиздаги препаратни кўриши биланок Бош бошқарма фарманазорат бўлими бошлиғи Дилором Ғайбуллаевна Носирова. — кол чизиги йўқ. Истеъмол қилиш кўрсатмаси (инструкцияси)нинг тахланиши хам стандартга тўгри келмайди. «Дори»нинг ранги-туси ги маълум бўлди.

бошқача.

ори-

Мен бўлим мудиридан асл дори билан сохта дорининг фарқи тўгрисида суриштирдим.

- Беморни дорининг ўзи даволамайди, - деди Дилором Fайбуллаевна, — ҳар қандай хасталикка қарши инсон организмининг ўзи курашади. Доридармонлар эса организмга ўша кураши учун куч-кувват етказиб беради. Сохталаштирилган дориларда ушбу куч-қувватни бера оладиган компонент (дорининг таъсир қилувчи таркибий кисми) одатда меъёридан анча кам бўлади. Бу «дори»лар инсон организмини қўзғатиб қўядилар, холос, лекин уни хасталик билан курашга отлантира олмайди. Шу боис хам уни истеъмол қилиш фойдадан кўра кўпрок зиён етказади.

Шу куни биз мазкур муаммо хусусида Бош бошкарма бошлиги, дори-дармонлар экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказининг директори, фармацевтика фанлари доктори Ахмадхўжа Ниғматович Юнусхўжаев билан сухбатлашдик.

Сохталаштирилган дорилар бизнинг олдимиздаги энг катта муаммолардан бири, эътироф этди Ахмадхўжа Ниғматович, — кейинги йилларда республикамизга четдан сохталаштирилган, қўлбола «доридармон»лар келтирилиши холлари аникланаётир. Уларнинг аксарият қисмини хорижга қатнаётган тижоратчилар олиб келаётирлар.

«Хориж» деганда асосан Хиндистон давлати назарда тутилар экан. У ердаги сохталаштирилган дори ишлаб чиқарувчилар лицензиялари ўзга давлатларга тегишли бўлган бир қатор дори-дармонларни фармацевтика қонун-қоидаларини қўпол равишда бузганлари холда, яширин йўл билан тайёрлашиб, четга, асосан Хамдўстлик мамлакатларига пуллашаркан. Биз текшириш учун олиб келган «Капотен» препарати хам факатгина Испаниянинг Барселона шахрида жойлашган «Бристолл Майерс Сквибб» компанияси томонидан ишлаб чикарилиши мумкин бўлса-да, у Хиндистонда яширинча тайёрланиб, бизга оширилмокда экан... Бугина эмас, «Линекс», «Трихопол», «Супрастин», «Лазикс» каби дорилар хам қўлбола усулида Хиндистонда ишлаб чикарилиб, юртимизга олиб келинаётганли-

Кангликўлда кураш тушдилар

Кангликул туманида таникли қорақалпоқ полвони Жақсибой Каипов таваллудита багишланган ўзбек кураши мусобақаси ўтказилли.

Мутлақ биринчиликда номлари мамлакатимиз ахлига яхщи таниш булган полвонлардан Оролбой Раметов, Мурод Болтаниёзов, Баходир Конназаровлар,



голиб деб топилдилар.

Я. КЎЧКОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жанубий Кореяда оғир атлетика буйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз терма жамоаси тулиқ таркибда иштирок эта олмади. Шундай булсада, беллашувга киришган йигитларимиз умумжамоа хисобида туртинчи погонани банд этишди. Юксак натижага эришишда, айникса, республика олимпия ўринбосарлари

Соврин (гилам) майдонда қолиб кетди

ва иимон

 Албатта, бутун республикамиз бўйича барча дорихоналарда ҳақиқий ёки ясама доридармон сотилаётганини текшириб чикиш имкониятига эга эмасмиз, - дейди Бош бошқарма бошлиғи, — қолаверса, бу иш билан вазирликнинг сифат назорати комиссияси шугулланади. Биз дори-дармонларнинг сифатини аниклаб беришга ваколатланганмиз, холос. Хозиргача биз чиқариб бераётган хулосалар эса анча аянчли...

Ха. Бош бошкарма дорихоналарда сотилаётган сохта дори-дармонлар хакида тегишли органларга ўз вактида маълумотлар беради, кенг жамоатчиликни бу хакда огохлантиради. Мана, қўлимизда 10 минг нусхада босиладиган «Оила шифокори» газетасининг шу йил 13 июн сони турибди. Унда жорий йилнинг 5 ойи мобайнида аникланган сохта дориларнинг рўйхати хамда мазкур дориларнинг асл нусхалари факат қайси заводлардагина ишлаб чиқарилиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар Бош бошкарма бошлиғи имзоси билан чоп этилган. Бу рўйхатдан «Ампициллин», «Нафтазин», «Стрептоцид», «Рибоксин» сингари ҳаммамизга таниш, бирок сохталаштирилган дори-дармонларнинг 38 (!) хили ўрин олган.

Юкорида айтиб ўтилгани каби сохталаштирилган доридармонларнинг асосий кисми республикамизга Хиндистондан «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Дехли-Тошкент» йўналиши бўйлаб қатнайдиган самолётларида тижоратчилар томонидан олиб келинаётир.

 Масаланинг иккинчи томонини хам унутмаслик керак, дейди А. Н. Юнусхўжаев, — хозир «Дехли-Чимкент» йўналиши бўйича хам хаво катнови очилган. Сохталаштирилган дорилар Қозоғистон жанубидаги бу вилоят марказига келтирилгач, унинг Ўзбекистонга олиб кирилиши унчалик мушкул иш эмас.

Бош бошкарма сохта доридармонлар аникланиши биланок, тегишли жойларга ўз вактида хабар етказади. Масалан, кўзимиз тушган хужжатлардан бирига «Хушёр бўлинг, сохтакорлик!» дея сарлавха қўйилибди. Унда ўша бизга таниш бўлган «Капотен» препарати ва республикамизнинг худудла- тиб куйишни истаб қолардик.

ри бўйлаб тарқатилаётгани хакида айтилади. Хакикий, асл дори кандай эканлигию сохталаштирилганлиги қандай кўринишда бўлиши аниқ-равшан тавсифларда таърифлаб бери-

Биз огохлантирувчи бу қоғозни вазирликнинг даволаш бошқармаси, «Дори-дармон» бирлашмалари ва йирик дорихоналарга юбордик, - дейди Ахмадхўжа Нигматович.

Юкорида таъкидлаганимиздек, авваллари дори-дармондан уриб қолиш катта гунох, шаккоклик хисобланарди. Бирок дориларни сохталаштириш-чи? Бу нарса тўгрисида ўйлаб кўришнинг ўзи хам гунохи азим эди. Энди эса...

Бир фикр: факат икки ой мобайнида 6 тонна сохталаштирилган дори йўқ қилиб ташланибди. Уни аниклаганларнинг отасига рахмат! Мабодо аникланмаганида ва йўқ қилинмаганида у сизни ва бизни, халкни захарлаши турган гап эди.

Хўш, хали хам баъзи бир дорихоналар пештахталарига қуйилган сохта дориларни аниклаш ва сотувдан олиб ташлаш кимнинг вазифаси? Ким бунинг учун жон куйдириши лозим?

Республика Согликни саклаш вазирлигига халкимиз сихат-саломатлигини химоя қилишдек масъулиятли вазифа топширилган. Юкорида қайд этганларимиздан кўзга ташланиб турибдики, соха ходимлари мазкур вазифани уддалаш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этган холда иш олиб бораётирлар.

Маълумки, истеъмолчиларнинг хукукларини химоя килиш вазифаси республикамизнинг нуфузи ва ваколати тобора ошиб бораётган Монополиядан чикариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасига юклатилган. Мазкур мақолада кўтарилган муаммолар юзасидан бизга етиб келган маълумотларга караганда, кумита томонидан айни кунларда бир қатор ишлар олиб борилаётибди экан. Биз ана шу ишлардан кенг газетхонлар оммаси, жамоатчилик хабардор бўлишини, ушбу муаммони хал килиш умумжамият манфаатига алоқадор бўлиб, халкимиз соғлиғи хакикатан хам энг катта, бебахо, беўлчов бойлигимиз ясама усулда тайерланаетгани эканлигини яна бир бор эсла-

ридаги «Навбахор» ўйингохида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғайритабиий ходиса юз берди. «Гулбахор» (Наманган) ва «Андижанка» (Андижон) аёллар футбол жамоалари ўртасидаги республика кубоги учун якуний беллашувдан сўнг биллур соврин йирик хисобда голиб чиққан жамоага эмас, балки маглуб бўлган клубга топширилиши

эълон қилинди.

Воажаб!

Спорт оламида хали-хануз учрамаган ва учраши хам мумкин бўлмаган ажабтовур бу янгиликдан мухлислар ҳам, журналистлар ҳам ёҳа ушлашди. Нахотки, мехнати Алигаю рохати Валига бўлса! Ахир, шу йилнинг 22 ноябр куни Анлижон шахрилаги «Наврўз» ўйингохида мазкур жамоалар ўртасидаги дастлабки ўйинда майдон эгалари 5:0 хисобида ютуққа эришган эди-ку? Қизиқарли ва муросасиз бу беллашувни Андижон ёшлар телерадиокомпанияси бутун водийга мойиш этган ва бошка оммавий ахборот воситалари орқали бу вокеа бир неча бор маълум килинганди. Наманганда хам андижонлик футболчи қизлар 2:1 ҳисобида яна ғалаба қозониб, биллур совринни нақд қилиб қуйганди.

Спортда ғирромлик кетмайди. У халолликни, адолатни ёктиради. Бирок ясама

шухрат, дабдаба ортидан кувган ва унинг кулига айланган кимсалар эришилган натижалардан куз юмиб бўлса-да, минглаб мухлислар, томошабингиза Абдурасулова учун санд этмай, хурмача қилиқлар чиқаради. Субутсизлик, кўзбўямачилик кўчасига киради. Теша тегмаган ҳийла-найранглар «ихтиро»

Қаранг, «Андижанка» бу йил республика чемпионлигини кулга киритди. Афсуски, спортни ўз измига солмокчи бўлган шоввозлар битта клубга чемпионлик хам етиб ортади, деган ўйга борган шекилли, Узбекистон кубогини нима қилиб бўлса-да «Гулбахор»га олиб бериш васвасасига тушищди.

Бунинг учун бирон-бир сабаб керак эди. Топилди ҳам. Эмишки, «Андижанка»нинг биринчи мусобақа учун берилган футболчилар рўйхатида чалкашлик содир бўлган. Бутун мавсум бўйи рўйхатда бўлган махаллий ўйинчи Севара Эрмухамедова ўрнига хужумчи Наргиза Абдурасулованинг номи рўйхатда икки бор ёзилиб қолибди. Тўгри, бу шошилишдаги хато. Аммо хакамлар, республика Футбол федерациясининг вакиллари биринчи учрашувда ёки ундан сўнг, ҳеч бўлмаса, такрорий беллашувдан аввал бу ҳақда айтсалар бўлмасмиди? Нега энди голибни тантанали равишда такдирлаш пайтида қилдан қийиқ килирилали?

Кутилмаган хангомадан хайратда қолган «Андижанка» қизлари ўз норозиликларини тантанали маросимни намойишкорона тарк этиш билан ифода қилдилар.

Тантаналарда «Гулбахор» жамоасига совга-саломлар топширилди. «Андижанка» жамоасининг

берилган соврин (гилам) майдонда қолиб кетди. Андижонлик футболчи кизларнинг чиройли йинлари ва уларга нисбатан адолатсизликни 🦠 кўрган бир неча наманганлик мухлислар «Андижанка» жамоасини ҳақиқий ғалаба би-

лан қутладилар.

Мен кўп йиллик мураббийлик тажрибамда бундай ошкора сурбетликни биринчи бор кўришим, - деди биз билан сухбатда «Андижанка» устози, Узбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Мирон Димитрович Ким. даги асосий қонуният бузилди: ютук кучлига эмас, кучсиз жамоага берилди. Бундай «шоу» республикамизда фут-

болнинг ривожига тўсик бўлади, холос.

Ана шу ғаройиб ҳодисадан сўнг Намангандан «Андижанка» жамоаси билан бирга қайтар эканмиз, қизларнинг юзидаги хомушлик, асабийлик, баъзиларнинг эса кўзларида жиққа ёшни кўриб, улар қўлга кириттан биллур совриннигина эмас, ундан анча каттароқ нарса — республика Футбол федерацияси ҳамда ҳакамларга ишончни хам йўқотаётганлигини хис этдик.

Тўлкин СИДДИК, жамоатчи мухбир. Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шахмат хангомалари

«Синовдан ўтган материал»

1894 йили Лондонда Ж. Макдоннелнинг «Шахмат валломатлари ва шохлари» деган китоби чоп этилди. Бу ўша даврнинг етакчи шахматчилари хакидаги латифа ва қизиқ воқеалардан таркиб топган тўплам эди. Автор муқаддимада фақат «синовдан ўтган материал»лардан фойдаланганлигини айтар экан, кейин: «Черковимизга келувчиларни ибодат пайтида кўзлари уйку тортди дегунча мен уларга мана шу воқеалардан биронтасини айтиб берардим ва шу захотиёқ улар сергаклашарди», деб изох беради.

Ер остида ўтган мусобака


1940 йилнинг кузида, Британия пойтахти бомбардимон қилинаёттан пайтда Лондоннинг улкан ер ости пана жойида шахмат турнири ўтказилди. Иштирокчилар икки гурухга бўлинган бўлиб, унинг голиблари ўзаро ҳал қилувчи партияда учращдилар. Гурухларнинг бирида аёллар ўртасила кетма-кет етти карра жахон чемпиони булган Вера Менчик, иккинчисида эса ўша пайтлардаги энг кучли англиялик мастерлардан Д.Сержент голиб чиккан эди. Хал килувчи бахсда Вера Менчик



мусобақа голиби бўлди.

«Чинакам республикача ўйин»

1476 йил 22 июнда Швейпариянинг Фрайбург кантони (вилояти) ахолиси уларнинг ерига бостириб кирган герцог Карл Бургундский қушинлари устидан хал қилувчи ғалаба қозонди. Бос-



Отказмасликнинг иложи борми?

қинчиларни тумтарақай қочишга мажбур этишаркан, улар герцог қароргохини босиб олади-Улжалар орасида герцогнинг шахсий шахмати ҳам бор эди. Голиб швейцарияликлар дархол баллада тўқийдилар: унда шахмат «чинакам республикача ўйин» сифатида куйланиб, шох «пиёдалар сафи кетида яшириниб олувчи ва тахтада хеч нарса қолмагандагина уясидан судралиб чикишга ботинувчи онгсиз, қурқоқ ва бесўнакай бир дона фигурадир», дейилади.

Рокировка зътивор топмокда

Конгстедтнинг 1784 йили Стокгольмда чоп этилган «Шахмат ўйини қисқача қўлланмаси»да: «Кучли ўйинчилар ҳеч качон рокировка килмайдил дейилган эди. Уша қулланманинг анча кейинги /1806 йил/ нашрига унчалик қатъий бўлмаган тузатиш киритилди: «Кучли ўйинчилар камдан-кам холларда рокировкага қул ура-

Статистика маълумотларига кура, хозир 99 фоиз холларда, малакаларидан қатын назар, шахматчилар шохни марказдан узоқлаштириш хуқуқилан фойдаланмокдалар.

Мамажон МУХИДДИНОВ

билим юрти талабаси Ботир Усмоновнинг хиссаси катта бўлди. Хакикий ботирликни намойиш килган ўзбек ўглони бирданига 3 та олтин медални кўлга киритди.

СУРАТДА: Б. Усмонов. А.РИСКИЕВ (ЎзА) олган сурат.

...осмонга килиб экиш тавсия этилмайди!

TO THE



1 a muo a Хотиним хам

кўрсин-да

- Темир йўлда йўловчи ташийдиган поездга қарама-қар-ши юк поезди кела бошлади,

дейлик. Қандай чора кўрасиз?
— Стрелкани буриб, юк поездини бошқа йўлга ўтказиб юбораман.

Стрелка занглаб қолган бўлиб, бурилмаса-чи?

Кизил байрокчани кута-— Вокеа тунда содир була-

япти, байрокча кўринмай — Қизил чироқни ёқаман.

Аккумулятори ўтириб

Енадиган нарсаларни тўплаб ёқаман.

Гугурт нам, ёнмаяпти. Аспирант бир лахза ўйланиб колди ва деди:

— Унда хотинимни чакира-

— Нимага энди?

— Ғаройиб түқнашуени то-моша қилсин-да, у ҳам.

Саид АНВАР

Даллоллар билан совчиларнинг бозори касод бўлди, мен сизларга айтсам. Одамлар эълонлар орқали иш пишитадиган бўлиб кетишди. Газета-журналларни вараклайсиз эълон, радионинг кулогини бурайсиз — эълон, телевизорни куясиз — эълон... Хиёбону бекатларни қўяверасиз, буткул эгаллаб олишган: «Оламану сотаман, эрга

Сизга ўхшаб асар ёзадиган - давом этди у. ёзувчига-да! Фирмамизда ошпазлар, шифокорлар, қассоблар, сартарошлар, савдогарлар, рассомлар, қоровуллар, борингки, хамма касб эгалари фаолият кўрсатишади. Улар мавзута қараб, соҳалари бўйича маслахатлар беришади.

иллога

Тушунарли, тушунарли,

Ха, почтага бориб, юз эл-

дедим шоша-пиша. — Маслахат-

лик сўм эллик тийин тўлашин-

гиз керак. Пул бизга етиб кели-

ши биланок тиллога тенг масла-хатни олиб турибсиз-да!

Қизиқиб қолдим. Пулни жўнатдим. Уч кун ўтказиб, яна

Алё, маслахатхонами?

тасаддук! — дастакдан яна ўша

овоз эшитилди. - «Тиллога тенг

маслахатлар» фирмасими, денг.
— Хўп, хўп. Мен ўша ёзувчи-

Манзилни кемтик қилманг,

- Нумирингизни айтинг,

Хўп, яхши, ўртоқ тўқсон

- акам давом этди.

Кулингизга қоғоз-қалам олиб,

маслахатларни ёзиб олинг. Уларга

қатый риоя қилинг. Қоғоз-қалам

олдингизми? Хўп, унда ёзамиз:

«Болани эмизишдан олдин қулни

Оғзим очилиб, ёзаёттан ручкам

— Хов, нималар деяпсиз? —

Гапни бўлманг! — сўзимга

кулок солмай, давом этди у.

Кулни тозалаб ювгач, уни оппок

сочиққа артасиз. Оғзингизга ни-

қоб, уни докадан ёки тоза мате-

риалдан тайёрлаш тавсия қилина-

ди, тутиб оласиз-да, сўнг болани

эмизишни бошлайсиз! Ёзяпсиз-

Мен ёш она эмас, ёзувчиман!

Адашдингиз шекилли, акам.

Ие, шунақами? — дастакдан

совунлаб яхшилаб ювамиз...»

кулимда қотиб қолди.

дедим жон холатла.

ни қачон олсам бўлади?

Менга?

қўнгироқ қилдим.

ман, маслахат сўраб.

Тўқсон тўққиз!

нўмирни!

ТУККИЗ.

Бу сизга боглик.

(Хажвия)

тегаман, алмаштираман... Уйланаман, ижарага бераман... Торт пиширишни ўрганаман, кучугимни излайман, шимимни вақтинча бериб туришим мумкин...» Уй керакми, хотин керакми ёки шим, пажалиска! Яна денг, соатларини ҳам ёзиб қўйишади: «Уй кераклар кеч соат ўн еттигача, хотин кераклар йигирма тўртгача, шим кераклар эрталаб соат олтигача мурожаат қилишлари мумкин!»

«Тиллога тенг маслахатлар берамиз», деган эълон жа диккатимни тортворди. Телефон қилдим.

«Миллион маслахат» фирмаси эшитади! — дастакдан хотинсифат эркакнинг ёки аксинча, эркаксифат хотиннинг овози эшитилди.

 Қандай мавзуларда маслаҳатлар бера оласиз? — деб сўрадим.

- Истаган мавзуингизда маслахат беришимиз мумкин. - Масалан, ёзувчиларга хам

маслахат бера оласизми?
— Хе-ҳе-ҳе! Ҳатто министрларга хам маслахат беришимиз мум-

кин. Нима бўляпти, вокеаларни чўзолмаяпсизми ё қахрамонингиз сизга кулок солмаянтими? Асарни яхши бошлайман, -

шошмасдан тушунтира кетдим. -Воқеалар ҳам аччиқ ичакдай чўзилиб кетаверади. Факат охирига келганда

Вокеа портламайди! Топдимми?! — дастакдан овоз келди.

Ха, яшанг! Тушунарли. Тўқсон тўққизинчи рақам билан руйхатта олиндингиз. Эсингиздан чиқмасин, тўқсон тўққиз. Дардингизни ёзиб олдик. Уни ёзувчига айтамиз, ўзининг кимматли маслахатларини

Ие, қанақа ёзувчи? — ҳайрон бўлдим.

хиринглаган овоз эшитилди. Маслахатни текинга сотворибмизда унда. Майли, майли, фойдангиз. Олтмиш олтинчи нўмирни туксон туккиз деб укиб юборибмиз. Мана, сизга тегишлисини топдим. Езамиз. «Куй гушти билан эчки гуштини фарклаш

ёзувчиман, деяпман! Гўштингизни бошимга ураманми?

Бунақа ҳаяжонланиб кетманг-да, биродар, — акам ўзини оклаган бўлди. — Хозир топамиз ни ерга кумилади. Илдизини осмонга қилиб экиш тавсия этил-

- Хов, ёзувчи билан богбон-

Борамиз, борамиз! Ёзувчи бу ёзади. Богбон — бу экади. Тўгрими? Энди, укажон, мундок қилсак, ёзувчи бўлсангиз, ҳамма нарсани билишингиз керак, ёзганингизда керак бўлади. Шунинг учун маслахатларни бир бошлан ўкийверсам, сиз керагини олиб, кераксизини ёнингиздан ўтказиб юбораверсангиз... Майли, уларга пул олмаймиз. Нима дейсиз, маъ-

Илож қанча, — дедим

 — Ҳа, яшанг, тушунган йигит экансиз, — у завқ билан хитоб қилди. — Унда бошладик: «Пайпоқни оёққа, дўппини бошга кий-ган маъқул. Аксинча кийиш кўрсатмаларга хилофдир. Мабодо туфлингиз сиқаётган бўлса, шимингиз ременини бушатиб юрманг. Яхшиси, туфлини ечиб, қултиққа уриб олинг. Галстукни кўйлакнинг устидан, костюмнинг устига таққан маъқул. Уни майка устидан тақиб ёки белга боғлаб юрсангиз кулги, бўлишингиз мум-

кин. Овқатни қул билан енг». Унинг маслахатларини эшитиб туриб, олдин бошим қизий бошлади. Шифокор маслахатига ўтганда кўкрагимда огриқ пайдо бўлди. Аммо у бемалол давом этарди:

Мабодо босимингиз кутари-

Дастакни отиб юбордим. Аммо унинг кейинги гаплари қулоғим-

Xе-хе, ҳе-хе, ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

шахар. 28. Футбол командаси,

йил. 30. Хўл мева. 31. Дездемо-

илмида фойдаланилган механик

нанинг йўқотгани. 32. Хисоб

қурилма. 33. Олма нави. 34.

Бирор соха буйича тартиб-

Жавобларни тўгри ёзиб

чиққан бўлсангиз, шакл айлана-

ларидаги харфларни энига қараб

билиб олишта муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

қаторлар бўйича ўқинг. Бунда

хикматли сўзлардан бирини

қоидалар мажмуи.

Узбекистон чемпиони. 29. «Узун»

Эсингиз жойидами, акахон?! зардам қайнай бошлади. — Мен

сизга тегишлисини. Шогирдлар ёш-да, хаммасини аралаштириб юборишибди. Ха, мана, топдик. Ручкани ёзишга тайёрланг, укам. Ёзамиз! «Кўчатнинг илдиз томомайди!» Шуми ака?

нинг фаркига борасизми ўзи?

бўшашиб.

либ, юрагингиз ўйнаётган бўлса, ўт ўчириш ёки газлаштириш идорасига қўнғироқ қилиб юрманг. Яхшиси «Тез ёрдам»га қўнгироқ КИЛИНГ.

га ўкдек қуйилди:

Мабодо пул топиб, акл топмаган бўлсангиз, бировларнинг маслахатини пулга сотиб олинг!

«ХАЛК СЎЗН» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

> Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб -

«Халқ сўзи»), м. егоров

(масъул котиб -«Народное слово»),

Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари - «Халқ сўзи»),

С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ,

с. мухиддинов,

Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ,

Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ. и. ШОГУЛОМОВ,

О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари «Народное слово»),

ў. хошимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби Nº 00001

Буюртма Г - 916, 18042 нусхада босилди, хажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди хамда оператор **W. TOFAEB** томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб -Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи мухаррир И. ЎТБОСАРОВ. Навбатчи У. ФАЙЗИЕВА. Мусаххих Ш. МАШРАББОЕВ.


манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

«Шарк» нашриётматбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

вакти — 21.00 топширилди -1 2 3 4

Босишга топшириш

Чайнворд



1. Падари бузруквор. 2. Самарқанд яқинидаги ҳароба шахар. 3. Ватанимиздаги меъморчилик обидалари энг куп сақламаърифатпарвар шоираси. 6. Хажвий журнал. 7. Атлас тўкув-чилар шахри. 8. Ўйиб ёки бўёк билан безак ишлаш санъати. 9. 10. Туркиядаги йирик шаҳар. 11. Шахмат бўйича иккинчи жахон асари. 13. Хамдўстликдаги республика пойтахти. 14. Тошкентдаги меъморчилик обидаси. 15. Ақлий спорт ўйинининг қадимий номи. 16. Кузпишар, қуруқ мева. 17. Америка адиби, илмий-фантастик асарлар муаллифи. 18. Рим худудидаги шахар давлат. 19. Пойтахти -Амстердам. 20. Арабистон ярим оролидаги мамлакат. 21. Йирик сув йирткичи. 22. Кадимги юнон муаррихи «Тарих» асари муаллифи. 23. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 24. Хажвий киножурнал. 25. «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон» асарини ёзиб қолдирган грузин мумтоз шоири. 26. Жамият хаётидаги туб ўзгариш, янги тузум. 27. Тошкент вилоятидаги

ниб қолган шаҳарлардан бири. 4. Абдулла Орипов шеъри. 5. Узбек Миллий чавандозлик мусобақаси.

25 ноябрда берилган «Айланма кроссворд»нинг жавоблади:

1. Архитектура. 2. Адрас. 3. Сирдарё. 4. «Ерилтош», 5. Ша-карпаз. 6. Зарбоф. 7. Фритадн. 8. Нозимахоним. 9. Мукаддима. 10. Акбар. 11. Режиссёр. 12. «Рустам», 13. Медео. 14. Ол-тин. 15. Нотик. 16. Китъа. 17. Алвон. 18. Нептун. 19. Новвот. 20. Турник. 21. Калава. 22. Арк. 23. Кубок. 24. Канада. 25. Аммиак. 26. Колумб. 27. Бадахшон. 28. Неон. 29. Нокаут.